

«Талаба ҳаётидан бир кун»

Мен З-босқич талабасиман. Ўқишимдан бўш пайтларимда ўз соҳам бўйича яrim ставкада 1 млн сўм ойлик маошга ишлайман. Менинг ойлик харажатларим 800-900 минг атрофида.

Ота-онам чет тиллари курслари учун тўловларни амалга оширишимга ўтган ҳафтада 600 000 сўм нақд пул беришган эди. Лекин мен бу пулларни дўстимнинг туғилган кунига сарфлаб юбордим, тўловларни эса иш ҳақим ҳисобидан банк картам орқали мобил илова ёрдамида амалга оширишни ўйлаб қўйдим. Бугун, 1 ноябрдан кечиктирмасдан чет тиллари курслари тўловларни албатта тўлашимни тайинлаб юборишган эди. Бунинг учун ойлик банк картамга овердрафт кредити олишга қарор қилдим. Менинг маошимдан келиб чиқиб овердрафт лимити 3 000 000 сўмгача эканлигини банк мобил иловаси кўрсатди. Мен бунга хурсанд бўлиб, максимал лимитдаги овердрафтни онлайн тарзда расмийлаштиридим. Овердрафтнинг фоиз ставкасига эътибор ҳам бермадим, чунки менга пуллар жуда зарур эди. Курсдошимдан қарзимни уздим ва чет тиллари курслари учун тўловларни амалга оширдим, кредитнинг қолган қисмига эса кийим-кечак олдим. Кредитни ойлик маошимдан сўндириб боришини режалаштиридим.

Кеч бўлганда эса банк мобил иловаси орқали овердрафт шартлари ва сўндириш жадвалини кўриб чиқар эканман, кредит муддати бир йил, фоиз ставкаси йиллик 24 фоиз эканлигига ва асосий қарзни охирги уч ойда узиб боришим кераклигини билдим. Овердрафтни энг сўнгги даврда сўндиришимни ўйлаб, бу мен учун анчагина қулай деб ҳисобладим. Мен ўзимни деярли молиявий даҳодек ҳис этардим.

Саволлар:

1. Талаба яна қайси вазиятларда молиявий қарор қабул қилишда адашди?
Уларни санаб ўтинг.
2. Талаба кредит хизматидан фойдаланганда қанча миқдорда жами фоиз тўлаганини ҳисобланг. Бунда *фоизлар кунлик ҳисобланади*.